



2 avgust kuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкент вилояти ташриф буюрди.

Ташриф давомида давлатимиз раҳбари ҳудуддаги йирик sanoat мажмуалари ва спорт объектлари билан танишди. Шу аснода вилоятда янги корхоналар ишга туширилди.

Шунингдек, Президентимиз камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан видео-селектор йиғилиши ўтказди.



«Оториноларингология хизмати» таъминлаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори (ПҚ 255-сон, 01.08.2023 й.) қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2023 йил 1 сентябрдан юридик шахс мақомига эга бўлган Республика ихтисослаштирилган оториноларингология ва бош-бўйин касалликлари илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилади.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ учинчи ялпи мажлиси 2023 йил 4 август кuni соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз иштини бошлади.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа тарзида жорий йилнинг 4-5 август кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

Уйғоқ ўй

Бўлар миллат боласини ботирим дер...



Яқинда
Озарбайжонга
бориб келдим.
Эътиборимни
тортган бир-икки
масалага
тўхталмоқчиман.

Биринчиси, озар дўстларимиз ўз улуғларини эъзозлашни билишар экан. Ишонинг, бу – жуда муҳим масала. Биз истеъдодли одамларнинг, Ватан тараққиёти учун умрини бағишлаганларнинг кўп ҳам қадрига етавермаймиз. Баъзида бундан юз йил олдин ўлиб кетган бир жаҳидимиз ҳақида икки оғиз тўғри гапни айтишни ҳам эплай олмаймиз.

Иккинчиси, Шайхлар хотирида бўлди. Биринчи Президент Алиевлар сулоласидан тортиб Муслим Магомедов, эл таниган ва тан олган кишиларнинг хоки қўйилган. Уларнинг қабрлари давлат эътибори, муҳофазасида. Сокин ва муаззам қилиб бунёд этилган қабристонда тозалик, ўзгача руҳ бор. Одамлар ҳар кuni бу ерга келиб, ўз улуғларини зиёрат қилиб кетишади, фарзандларига уларни таништиришади. Бу – жуда катта тарбия ва маданият!

Иккинчиси, Шайхлар хотирида бўлди. Бу масканда юрт озодлиги учун жон берганлар номма-ном хотирланади, ҳар бирининг сурати, катта ҳурмат билан териб қўйилган. Бу ҳам катта маданият, тарбия. Биз Ватанни севиш деган гапни бутунлай унутмаёзлик. Шушага борар эканмиз, йўл бўйлаб ўтган урушда ҳалок бўлганларнинг юзлаб портретлари ва уларга эҳтиром билан ёзилган сўзларни ўқидик. Бу ҳам тарбия, маданият, халқнинг бирлиги, ҳам-жиҳатлиги учун...

Энди бизга қаранг. Битта Чигатой қабристонимиз бор, у ердан ҳам кимнинг кучи етса жой олади, етмаса... Тартиби аниқ эмас!

Назаримда, эрта бир кун ҳозир бу ишларнинг назоратчилари бўлиб турганлар ҳам ўтади-кетди... Мана бир мисол. Яқинда оидинларимиз оламдан ўтганида газеталарда бир энлик таъзиянома эълон қилишга руҳсат бериш ваколатини ўзида қарийб йигирма йил сақлаб келган бир раҳбар вафот этибди. Тақдирни қарангки, унинг ўзига ҳам насиб этмади – на бир энлик таъзиянома ва на эътибор, одамлар бу воқеадан беҳабар ҳам қолишди. Бу энди тарбиясизлик ва маданиятсизликдир.

Хўш, қай бири маъқулроқ? Менимча, бу масалада ҳар бир инсон ўйлаши табиий, эртага бизни кимдир эслайдими? Шу азиз юртни деб жонимизни жабборга берганимизнинг жавоби нима бўлади? Фарзандлар, келажак авлодга қандай ўрнат қолдираёلمиз?

Назаримда, бизда муқаддас тушунчалар бутунлай унут бўлиб кетаётгандек. Умр эса оқар сувдек ўтиб кетмоқда. Бир ўйлаб кўрайлик. Кейин кеч бўлмаса...

Хусан ЭРМАТОВ



3-саҳифада
ўқинг »



Андижон
вилояти

ҚОНУНГА РИОЯ ҚИЛГАН ҚОҚИЛМАЙДИ

Андижон, Марҳамат ва Пахтабод туманларидаги йўллардан фойдаланиш корхоналарида жорий таъмирлашда 77 нафар йўл-соз иш вақтидан ташқари ишга жалб этилган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгаши мутасаддилари қўмағи билан уларга 84 миллион 404 минг 655 сўм компенсация пуллари тўлаб берилишига эришилган. Ҳолбуки, меҳнат муносабатларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилганида бундай ҳолат бўлмаслиги мумкин эди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгашида тар-

моқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг Андижон вилояти бўйича масъул ташкилотчилари, бирлашган қўмиталари, туман, шаҳар кенгашлари ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари иштирокида ўқув-семинар ташкил этилди. Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган муҳокамаларда бошланғич касаба уюшма ташкилотларида меҳнат муносабатларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш масаласи муфассал кўриб чиқилди.

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши раиси ўринбосари Нодирахон Абдураҳмонова, меҳнат-ҳуқуқ инспек-



тори Ҳабибилло Усмонов, маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Қодиржон Ризаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитаси 10-мажлисидаги масалаларнинг ижроси юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Музаффар АЗИМХҲАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Андижон вилояти
кенгаши меҳнат техник
инспектори

Тадбир

Хоразм
вилояти

Ҳуқуқ

Қўшимча таътил пули НЕГА ТўЛАНМАГАН ЭДИ?

2017 йилда Хоразм вилояти фтизиатрия ва пульмонология марказида ишловчи 202 нафар ходимнинг иш ўрни шаҳодатлиниб, аттестация хулосасига кўра, ходимларга қўшимча меҳнат таътили белгиланган. Бироқ амалда ушбу шарт бажарилмасдан келган.



Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича меҳнат инспекторлари томонидан муассасада меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари бажарилиши бўйича жамоат назорати тадбири ўтказилганда, 202 нафар ходимга меҳнат таътили пуллари қайта ҳисоб-китоб қилиш кераклиги ойдинлашди.

2022 йил учун 202 нафар ходимга ҳисобланиши керак бўлган қўшимча маблағ миқдори 175 160 939 сўмни ташкил қилди. Меҳнат техник инспекторининг кўрсатма хатига биноан ушбу маблағ шу йил апрель ойида иш берувчи томонидан қоплаб берилди.

Шунингдек, Хоразм вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказида ўтказилган ўрганиш ҳам кўп нарсаларга ойдинлик киритди. 2017 йилдаги шаҳодатлаш натижаларига кўра, 99 нафар ходимга қўшимча меҳнат таътили бериш кўрсатилганига қарамадан, ижроси таъминланмасдан келгани аниқланди. Иш берувчи номига киритилган кўрсатма хат асосида жорий йил март ойида ушбу ходимларга 26 530 387 сўм қўшимча таътил пуллари тўлаб берилди.

Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида эса 2017 йилда 14 та, 2022 йилда 37 та иш ўрни шаҳодатланган ва бу лавозимларда фаолият кўрсатувчи ходимларга қўшимча меҳнат таътили белгилангани ҳолда амалда бу талаб бажарилмаган.

Инспекторлар томонидан муассасада ўтказилган жамоатчилик назорати тадбирлари асосида иш берувчига 2020 йилда 61 нафар ходимга 35 407 928 сўм, 2021 йилда 67 нафар ходимга 42 962 751 сўм, 2022 йилда 50 нафар ходимга 16 185 863 сўм қўшимча таътил пуллари тўлаш ҳақида кўрсатма хат киритилди. Шу асосда 2023 йил май ойида жами 94 556 541 сўм пул ходимларга тўлаб берилишига эришилди.

Халиллулла ИСОҚЖОНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгашининг Хоразм вилояти
бўйича меҳнат техник инспектори

Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги бош мутахассиси Жамшидбек Одиловнинг таъкидлашича, бу йил 1 миллион нафардан ортиқ абитуриентдан онлайн тарзда ҳужжатлар келиб тушган. Уларнинг 948 минг 486 нафари тест синовида иштирок этади.

Тест жараёнлари учун мамлакат бўйлаб 72 та бино шай ҳолатга келтирилган. Республика миқёсида бир сменада 38 минг нафардан зиёд, бир кунда эса 76 минг нафардан зиёд абитуриент тест топширади.

Юртимиз бўйича бакалаврият йўланишидаги абитуриентлар учун тест жараёнлари 13 августгача давом этади. Абитуриентлар эртаси кунлик шахсий кабинет орқали жавоб варақаларини кўришлари мумкин бўлади. Уларнинг олий таълим даргоҳига кирган ёки кирмаганига оид натижа 13 августдан бир ҳафта ўтиб эълон қилинади.

ОМАД ЁР БЎЛСИН, АБИТУРИЕНТЛАР!



Эъзада УМУРЗОҚОВА оғани сурат.

Шу йилнинг 1 август кuni абитуриентлар учун мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига кириш бўйича тест синовлари бошланди.

2-саҳифада ўқинг »



«Аёллар
дафтари»ни
варақлаганда...



Ташкент вилояти

«Аёллар дафтари»ни varaқлаганда...

Наманган вилояти

«Энди пишириқлар дўкони очмоқчиман»



– Менга яқинда «Аёллар дафтари» жамғармасидан 34 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи ажратилди. Унга 3 қаватли катта печь, 30 литр ҳажмли миксер, махсус музлаткич ва бошқа керакли анжомларни сотиб олдик. Ҳозир хонадонимизда турли пишириқлар пишириш учун битта катта хонани ажратиб олганмиз ва шогирдлар билан элимиз дастурхонига ширинликлар етказиб бераймиз...

Қибрай туманида яшовчи Маъмура Миразизованинг фаолиятига оила аъзолари ҳам елкадош. Маҳалладаги ҳеч бир байрам, туғилган кун ёки бошқа муҳим оилавий тадбир Маъмура опа тайёрлаган пишириқлару тортларсиз ўтмайди.

Фаолиятини янада ривожлантириш учун опада дастоҳлар, иш қуроллари етарли эмас эди. Шу аснода унга ишини кенгайтириш учун «Аёллар дафтари» жамғармасидан маблағ ажратилиши айтилди.

– Ҳозир шогирдларим билан бирга дўконларга, тантанали маросимларга, туғилган кун ва бошқа тадбирларга турли ширинликлар, пишириқлар, тортлар пишириб бераймиз. Мижозларга маъқул бўлаётганидан ўзим ҳам жуда қувонаман, – дейди Маъмура Миразизова. – Ҳовлимиз этагиде озгина жой бор. Келгусида ўша ерда ширинлик ишлаб чиқариш цехи ташкил қилиш ва уйимиз катта йўл ёқасида бўлгани учун битта ширинликлар дўконини очишни ният қилганмиз.

Маъмура опанинг уч фарзанди бор. Улар ҳам онасига кўмакчи. Айти пайтда 42 ёшда бўлган бу аёл 19 ёшдан буён шу ҳунар ортидан рўзгор тебратиб келмоқда. Тез фурсатларда унинг навбатдаги истаги ҳам амалга ошишига ишонамиз.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»



НАМУНАЛИ БОШ-ЛАНҒИЧ МАҚОМИНИНГ ЎЗ МЕЗОНЛАРИ БОР. САЛКАМ ЎН ЙИЛДИРКИ, КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ЎТТИЗДАН ОРТИҚ ТАЛАБЛАРИНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТА ОЛГАН БОШЛАНҒИЧЛАР ФАОЛИЯТИГА АНА ШУ УСЛУБДА БАҲО БЕРИЛАДИ.



Сурхондарё вилояти

Рағбат – янги марраларга ундов

Бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотлари тажрибасини кенг ёйиш ва уларнинг фидокорона меҳнатини рағбатлантириш мақсадида ҳар икки йилда бир маротаба ўтказилиши белгиланган «Энг намунавий бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи кўтаринки руҳда бўлиб ўтди.

Қайд этиш керакки, мазкур тадбирнинг бу йилги туман (шаҳар) босқичларида аъзолари 100 нафаргача ва 100 нафардан ортиқ бўлган 300 га яқин бошланғич ташкилот иштирок этди. Шундан 100 нафардан ортиғи вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Танловнинг вилоят босқичида иштирокчилар томонидан тақдим этилган меъёрий ҳужжатлар ва бошқа материаллар яқиндан танишиш асносида ҳолисона баҳоланди.

– 15 йилдан буён бошланғич касабаси кўмитаси раиси сифатида фаолият юритиб келаман, – дейди Ангор тумани 1-умумтаълим мактаби бошланғич касабаси уюшма кўмитаси раиси Бахтиёр Қобилов. – 2015 йилдан бошлаб танлов тартиби янада такомиллаштирилиб, совриндорлар касабаси уюшма аъзолари сони 100 нафаргача бўлган ва 100 дан ортиқ аъзоларни қамраб олган бошланғич ташкилотлар ўртасида алоҳида аниқлаш тизими йўлга қўйилиши танловда ғолиб бўлиш имконимизни янада оширди. Бу йил камтарона меҳнатларимиз юксак эътирофга сазовор бўлиб, вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритдик.

Агротехнология мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси тармоғидан танловда иштирок этган Сурхондарё вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси бошланғич касабаси уюшма кўмитаси ҳам «Энг намуна-ли бошланғич ташкилот» деб топилди.

– Корхонамизда ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, қулай меҳнат шaroити яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди бошланғич ташкилот раиси Чори Абдурахмонов. – Маданий ҳордиқ ва спорт билан шуғулланиш улар кайфияти ва иш унумдорлигида муҳим омил бўлаётди. Яқинда ўн нафарга яқин ходим ва уларнинг оила аъзолари корхонамиз ҳисобидан юртимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатларга бориб келдилар.

Баҳолаш комиссияси ҳулосаларига кўра, танловнинг вилоят босқичида тармоқлар кесимида 1-, 2-, 3-ўрин ғолиблари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шарофиддин ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси
Сурхондарё вилояти кенгаши раисининг
Ёшлар масалалари бўйича
маслаҳатчиси



Бундан ташқари, туманда истиқомат қилувчи уй-жой таъмирига муҳтож 97 нафар хотин-қиз рўйхатга олинган. Айти пайтда уларнинг бошпанаси навбатма-навбат таъмирлаб берилмоқда. «Гулбоғ» маҳалласида яшовчи Наима Нуриевага «Аёллар дафтари»га олингандан сўнг, туман ҳокимлиги ва ҳомиёлик асосида қурилиш маҳсулотлари етказиб берилди. Шу кунларда «Янгиҳаёт» маҳалласида яшовчи Насиба Юсупованинг ҳам уй-жойи таъмирдан чиқиш арафасида.

Шу ўринда уйчилик 553 нафар ижтимоий ёрдамга эҳтиёжи бор I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, тезкор тиббий муолажага муҳтож хотин-қизнинг 416 нафарига «Саховат ва кўмак жамғармаси» томонидан моддий ёрдам ажратилди.

Анча йиллардан буён хасталик билан курашиб келаётган «Дехқон» маҳалласида яшовчи Дилором Нишонава ҳамда «Баландариқ» маҳалласида яшовчи Гулчехра опа Сатторова ҳам «Аёллар дафтари»га рўйхатга олинган, уларнинг дарди аригани рост. Мураккаб юрак жарроҳлик амалиётига муҳтож бўлган бу икки аёлнинг соғлиғини тиклаш мақсадида Оила ва хотин-қизлар Республика мақсадли жамғармаси томонидан шартнома асосида Юрак қон-томир касалликлари Республика клиникасига маблағ ажратилди ва улар ўз вақтида даво-ланди.

Орзуғул РУСТАМОВА
«ISHONCH»

Сўранг, жавоб берамиз...



Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кимларга берилади?

САВОЛ: Янги таҳрирдаги Конституция муҳокамаси даврида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилиши ҳақида кўп гапирилди. Айтинг-чи, бу турдаги ёрдам кимларга ва қай тартибда амалга оширилади?

Азизбек ШЕРОВ
Жондор тумани

ЖАВОБ: Президентимиз 2023 йилнинг 16 июнида «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги қонунни имзолади. Унга мувофиқ, қуйидаги жисмоний шахслар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга:

1. Кам таъминланган шахслар, агар улар:
 - фуқаролик ишлари бўйича даъвогарлар ёки жавобгарлар;
 - маъмурий ишлар бўйича аризачилар;
 - маъмурий қамоқ тарзидаги маъмурий жазо назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлиқни со-дир этган шахслар;
 - жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчи-лар, айбланувчилар, судланувчилар, шунингдек, маҳкумлар бўлса.
2. Рухий ҳолати бузилган жисмоний шахслар, уларга «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги қонунга мувофиқ психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда.
3. Ўз ҳуқуқлари бузилган, «Хотин-қизлар ва эр-кавлар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафо-латлари тўғрисида»ги қонунда назарда тутилган хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлиги бузилганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган жисмоний шахслар;
4. Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жи-ноят иши бўйича адвокат иштирок этиши шарт бўлган тақдирда, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун жисмоний шахслар экстерриториаллик принци-пи асосида махсус ваколатли давлат органига (Адлия вазирлигига) оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

Ариза махсус ваколатли давлат органига ке-либ тушган кундан эътиборан 3 иш кун ичида қўриб чиқилади (Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган, жиноят ишлари бўйича адвокат иштирок этиши шарт бўлган ҳоллар ва муддатлар бундан мустасно).

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам фақат Дав-лат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адво-катлар реестрига киритилган адвокатлар томони-дан кўрсатилади.

Махсус ваколатли давлат органининг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қа-рори ёки адвокат тайинлаш тўғрисидаги суришти-рувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажрими «Юридик ёрдам» ахборот тизимида рўйхатга олинганидан кейин тизим ад-вокатни автоматик равишда танлайди. Адвокатга Ҳукумат томонидан белгиланадиган тартибда ва миқдорларда тўлов амалга оширилади.

Ушбу қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кириши белгиланган.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Эътироф

Мезонларга асосланган баҳс

Дарҳақиқат, назардан қочирмаслик шарт бўлган талаблар борки, у етакчини доимий ҳушёр-ликка ундаб келади. Жумладан, жамоа шартнома-лари, тармоқ келишувлари ва тавсияларни белги-ланган муддатда муҳокамадан ўтказиш, янги иш ўринлари яратишда иштирок этиш, меҳнат ша-роитлари яратилишига эришиш каби кўплаб ма-салалар бор. Биргина меҳнат муҳофазаси, ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсизликларни ол-дини олишнинг ўзиде нафақат маблағ, балки эътиборли бўлишни ҳам талаб этади. Ўз устида ишлаш ҳам баҳолаш шартлари мезонига кири-тилган. Қисқасини айтганда, тизимда намуна кўрсатиш шунчаки воқелик эмас.

Танловнинг вилоят босқичида юз нафаргача ва ундан ортиқ аъзо-ларга эга ташкилотлар ўртаси-даги баҳсда тармоқлар кеси-мида 16 та куйи бўғин «Энг намуна-ли бошланғич ташкилот» кўрик-тан-ловининг бош соври-нига эга бўлди. 13 та бошланғич ик-кинчи, 9 та таш-килот эса учинчи ўрин соҳи-блари сифатида эътироф этилди. «Самавто» ав-томобиль за-води касабаси уюшмасининг

иш тажрибаси, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига шароит яратиш борасидаги ташаб-буслари тақдими таъкил этилди.


Тадбир якунида Ўзбекистон касабаси уюшма-лари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши ижроия кўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда давлат дастури ихроси, маъданий-маърифий ва спорт ишлари даражасини кўтарिशга қаратилган қатор мавзулар муҳокама этилди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»





Жавоб кутаяётган саволлар



Андижон вилояти

Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига!

МАСАЛАНИ ТЕЛЕФОН ҚўНҒИРОҒИ ЁКИ ОНЛАЙН АРИЗА ОРҚАЛИ ҲАЛ ҚИЛСА БЎЛМАЙДИМИ?

Шаҳарнинг марказий кўчаларидаги чорраҳаларда – светофорнинг қизил чироғида тўхтаб турган автоулов ҳайдовчисининг ортидан шошилишча вазиятда келаётган «Тез ёрдам» машинасига йўл бермаслик ҳолатларига кўзимиз тушиб туради. Бундай вазият асосан қоидабузарликлар ёзиб борувчи видеокамералар ўрнатилган чорраҳаларда кузатилади.

Шахсий кузатувларимга кўра, ҳайдовчининг машинани жойидан силжитмаслигига сабаб битта: «Тез ёрдам»га йўл очиб, тўхташ чизигини қизил чироқда босиб ўтса, камера автоматик равишда қоида бузилишини қайд этади ва ҳайдовчига жарима ёзилади.

Билишимча, айти ҳолатда қондан бузиб бўлса-да, «Тез ёрдам» машинасини ўтказиб юборган ҳайдовчи ушбу вазиятдан сўнг бир ҳафта – ўн кун ичида бу ҳақда йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига murojaat этиши керак. Унинг murojaati қабул қилиниб, ҳолат видеотасвирда тасдиғини топса, қоидабузарлик ҳаракатдан тўхтатилади ва жарима бекор қилинади. Шунинг учун ҳам юқоридаги каби вазиятларда аксар ҳайдовчилар олдинда қўтилажак оворагарчиликлар учун вақтини қизғониб, шошилишча тиббий хизмат уловининг сиренасига пинагини бузмай тураверишади.

Коммуникация яхшигина ривожланаётган бугунги шароитда юқоридаги каби вазиятларда ҳайдовчилар йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига ўша пайтдаёқ қўнғироқ қилиш ёки онлайн ариза ташлаш йўли билан қоидабузарликни ҳаракатдан тўхтатиш усули жорий этилса бўлмай-дими?

Андижон шаҳри

Шаҳзод АБДУҒОФУРОВ



Тошкент шаҳри

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига!

ОДАМЛАР НЕГА МАРКАЗЛАРГА ЭМАС, МАРДИКОР БОЗОРЛАРИГА БОРИШЯПТИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 июлдаги «Вақтинча, мавсумий ва бир марталик ишларда банд бўлган фуқароларнинг меҳнат фаолияти самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ҳузуридаги вақтинча бир марталик иш билан таъминлаш бюрolari – Кунлик меҳнат марказлари ташкил этилганди. Худудлар эҳтиёждан келиб чиқиб, жойларда ҳам белгиланган тартибда марказлар фаолияти йўлга қўйилганди.

Маълум вақт бу марказлар яхши фаолият кўрсатди. Мурожаат қилган фуқаролар қурилиш ишлари, хизмат кўрсатиш, уй ишлари, ободонлаштириш, юклар орттиш-тушириш, умумий овқатланиш ва бошқа йўналишлардаги ишларга банд қилинди.

Аммо бугунги кунда марказларнинг кўпчилиги самарали ишламаяпти. Ҳатто шундай марказлар борки, аҳоли уларнинг хизматидан фойдаланмай қўйганига анча бўлган. Бинолар, ундаги техника ва мебеллар қаровсиз ҳолда қолганлари ҳам учрайди.

Вазирлик бу марказлар фаолиятини охириги марта қачон кўриб чиққан? Ва уларнинг фаолиятсизлигига сабаблар нима?

Лазиза ШЕРОВА

Олмасор тумани



Наманган вилояти

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига!

ҚАЧОН ЎЗГАРИШ БЎЛАДИ?

«Ishonch» газетасининг жорий йил 28 февраль сониди «Ярим асрлик боғча биноси, ундаги муаммоларни ким бартараф этади?» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда Наманган шаҳридаги 33-мактабгача таълим муассасасининг хароб аҳоли ва ундаги камчиликлар танқид қилинганди.

Мақола газетада чиққач, муассаса ходимлари ҳам, ота-оналар ҳам энди бу масканда ўзгаришлар бўлишига умид боғлашганди. Аммо вилоятдаги тегишли ташкилотлар бу масалага ҳанузгача ўнг кўз билан қарашгани йўқ.

Мутасаддиларнинг ушбу ҳолат юзасидан билдирган жавоб хати билан танишсангиз, унда аниқ жавоб йўқлигига гувоҳ бўласиз.



СУНЪИЙ ТЎСИҚЛАР ЎРНАТИШ ВА АВТОТУРАРГОҲЛАР ТЎЛОВИ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Кейинги йилларда айрим одамлар ва ташкилотлар ички йўлларнинг ўзлари хоҳлаган жойига банд ва қўпол қилиб, сунъий тўсиқлар ўрнатмоқда. Бунинг оқибатида, текис йўлларнинг сифати бузилиб, ҳайдовчилар учун ноқулайликлар туғилмоқда. Бу тўсиқлар қўтилмаган воқеаларга, автомобилларнинг ҳаракатланиш қисмлари ишдан чиқишига ва тирбандликларга ҳам сабаб бўлмоқда.

Яна бир гап: одамлар гавжум бўладиган жойлар, яъни йирик корхона, касалхона, тўйхона, бозор, стадион ва дам олиш масканлари яқинидаги автотураргоҳлардаги бугунги ҳолат ҳам кўпчилик ҳайдовчиларни ҳуноб қилмоқда. Бу автотураргоҳларда тартиб йўқ. «Эгалари» чизган чизикдан чиқмайди қоровул ёки паттачилар фақат пул йиғиш билан банд. Йиғилаётган маблағларнинг

банкка тўлиқ кириш қилиниши даргумон. Чунки айрим жойларда ҳайдовчиларга тўлов ҳақида чек берилмайди.

Савол: амалдаги қонунчилик ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, йўлларга сунъий тўсиқлар ўрнатиш тартиби қандай?

Кўчаларда айрим корхона ва ташкилотлар йўлнинг маълум қисмига, аниқроғи, ўз биноси



Акмал УМАРОВ,

Таълим ва фан ходимлари касбаб уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси



Қурилиш вазирлигига!

ЙЎҚ УЙНИ СОТИШ МУМКИНМИ?

Қурилиш вазирлиги тизимида муаммолар кўп. Энг асосий муаммо – халқнинг битмаган уйларга алданиб қолаётгани. Яқин 4-5 йилдан бери уй қуриб сотадиган ташкилотлар сони ортди, аммо шу йиллар ичида форибгарларга дуч келаётган фуқароларнинг ҳам норозиликлари кўпайди.

Аслида йўқ уйларни сотишга ва бундан кейин ҳам сотилишига қачон барҳам берилади? Одамлар йиллар давомида йиққан пулини форибгарларнинг қўлига тутқазмаслиги учун қонуний кафолат борми?

Имона МАЪМУРЖОНОВА

Яшнабод тумани

Транспорт вазирлигига!

ПАЙТДАН ФОЙДАЛАНИШ ПАЙТИ ЎТМАДИМИ?

Ҳозир ёз, ўзиям «ёндираман» деяпти. Аммо... Жамоат транспортларида юрадиган юртдошларимиз ҳалигача қаҳратон қишининг «қаҳри»дан қутулгани йўқ! Улар совуқ кунларда чўнтақларига кириб олган «совуқ»дан ҳануз азият чекишяпти.

Гапнинг индаллосини айтганда, қишдаги изғиринли кунларда метро ва автобуслардан ташқари бошқа жамоат транспортларида йўлқира камида минг сўмга кўтарилди. Бунга газ тақчиллиги оқибатида «заправкалар»нинг ёпилиши сабаб бўлди. Асосан бензинда юрилади.

Хўп, ўшанда ҳолатга тушунса бўлар эди. Энди-чи?

Ҳозир газ «заправка»лар муаммосиз ишлаб турибди. Лекин йўлқира ўша-ўша, тушгани йўқ.

Ўзи бизда қимматлашган нарсанинг нархи ҳеч замон тушганми? Турли йўналишларга қатнайди «дамасчи»лар ва «газелич»лардан «Газ бемалол-ку, нега нархни туширмайсизлар?» деб сўрадик. Уларнинг аксариятидан шундай жавоб олдик: «Бизга ҳеч ким ҳеч нарсга дегани йўқ...».

Қизиқ, пастдагилар «ҳеч ким ҳеч



нарсга демади» деса, тепадагилар «ким нимаям дерди» деса, вазият қачон ўнланади?

Хуллас, ушбу масалага масъул бўлган тепадагилар пастдагиларга бир нарсга деб қўйинлар!

Дарвоқе, айтилган муаммо бўйича аниқ миқдор келтириш шарт эмас. Чунки республикамизнинг барча ҳудудларида «хўрозлар бир хил қичқиряпти».

Сизлар ҳам эшитяпсизларми?..

Алибек НЕЪМАТОВ



Самарқанд вилояти

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига!

МУТАХАССИСЛАР КАММИ, ИПТА КАФОЛАТ БОРМИ?

Кейинги йилларда турли йўналишлардаги нодавлат таълим муассасалари ҳам кўпайди. Бу яхши, албатта. Чунки рақобат бор жойда ўсиш бўлади. Аммо...

Ўтган йилги нодавлат олий таълим муассасаларининг аксар қисми (ҳатто техник йўналишларга ихтисослашган университетлар ҳам) «Психология», «Бошланғич таълим», «Педагогика» каби йўналишлар бўйича қабул эълон қилди. Айниқса, сиртқи бўлимга ўқишга қабул қилиш кўпайди. Ҳаттоки, иккинчи курсдан ўқишга ваъда қилинган ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

Ўзим таҳсил берган ўнлаб ўқувчиларим контракт пулини тўлаб, «бир сакраб» ана шундай таълим муассасаларининг 2-босқичига ўтиб олишди.

Айтинг-чи, таълимга, педагогикага умуман ихтисослашмаган нодавлат олийгоҳларда ҳозирги кунда таҳсил олаётган юзлаб ёшлар эртага қўлларига диплом олган, амалда ким бўлишади? Улар корхона ва ташкилотларда «Бошланғич таълим» ва «Педагогика»дан дарс беришадими?

Ўзи, умуман, таълимга ихтисослашмаган даргоҳларда таълим йўналиши бўйича ўқиш нечоғли тўғри?

Хайрулла ФАХРИДДИНОВ
Қўшработ тумани

Тошкент шаҳар ҳокимлигига!

жойлашган ҳудуд атрофига «стоянка» қилиб олишган ва улар бегона машиналарни қўйдиришмайди. Хўш, ўша «қўлбола» «стоянкалар»нинг фаолияти қонунийми? Ва умуман, Тошкент шаҳрида нечта автотураргоҳ бор? Улардаги тушум қай тартибда ҳам назорат, ҳам кириш қилинади? Тушган маблағнинг аниқ миқдори ва у қандай мақсадларда ишлатилгани ҳақида аниқ маълумотлар борми?

Шоҳжаҳон ҚОДИРОВ

«Дийдор»да дийдорлашувнинг гашти бўлакча

Санъат

А д а - биёт ва санъат ҳаётиимизнинг а ж р а л м а с бўлаги ҳисобланади. Биз адабиёт орқали ўзимизда кўплаб инсоний фазилатларни ва туйғуларни шакллантираемиз. Қўшиқлар туйғули баъзан ноҳақликлару нохушликлардан сиқилган юрагимизни таскин топтираемиз, қувончимизни ўзгалар билан бирга баҳам кўраемиз. Театрларда спектакллар томоша қилганда эса ён-атрофимиздаги инсонларни тушунишни, қийинчиликларга бардош беришни ўрганаемиз.

Мен яқинда пойтахтимиздаги «Дийдор» ёшлар экспериментал театр-студиясида «Аршин-мал-алан» спектаклини мароқ билан томоша қилдим. Шунинг баробарида ушбу маданият даргоҳига кириш бепул эканига ва у талабаларнинг севимли масканига айланганига гувоҳ бўлдим.

Ҳа, айтганча, ушбу театр тарихи Ўзбекистон санъат арбоби, халқ артисти Баҳодир Йўлдошев фаолияти билан боғлиқ. 1945 йили туғилган бу заҳматкаш инсон 27 ёшида Ўзбек Миллий академик драма театри бош режиссёри ва бадий раҳбари бўлган. 1983 йили Абдулла Қаҳҳор номидаги республика сатира театрига асос солган. Ўздан ортқ спектаклини саҳналаштирган, йигирмага ақин кинофильмда суратга тушган, халқаро анжуманларга режиссерлик қилган. 2009 йили эса «Дийдор» театр-студиясини ташкил этган ва умрининг охиригача, яъни 2021 йил май ойига қадар унга раҳбарлик қилган.

Бу инсондан халқимизга ёдгорлик бўлиб, аjoyиб спектакллар, ижодий анъаналарини давом эттиратган шогирдлари ва мана шу театр қолди.

«Дийдор» бугунги кунда ҳам инсонларга кўтаринки кайфият улашмоқда. Энг муҳими, мухлисларини йўқотмай, қизиқарли спектакллари билан инсонлар қалбини забт этиб келмоқда. Драматург ғулом Зафарий қаламига мансуб «Ҳалима» номли биринчи ўзбек мусикали драмаси, гарчи ўтган асрнинг 20-йилларида саҳна юзини кўрган бўлса-да, ҳалигача ўз аҳамиятини йўқотмаган, билъақс, халқ турмуш тарзига оид долзарб муаммоларни очиб бергани билан алоҳида ажралиб туради. Бу асар «Дийдор» театр-студиясида 4-боқич талабалари томонидан диплом-спектакль сифатида намойиш этилган.

Озарбайжон бастакори ва драматурги Узеир Гаджибековнинг оламга машҳур «Аршин-мал-алан» мусикали комедияси ҳам ушбу театр репертуаридан доимий ўрин олган. У аслида 1913 йили Петербургда ёзилган ва илк бор Боку театрида томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Кейинчалик шу асосда яратилган бадий фильм эса Озарбайжон миллий киносининг энг муваффақиятли асарларидан бирига айланди. Натижада 86 та тилга таржима қилиниб, 136 та мамлакатда намойиш этилди. «Аршин-мал-алан» яқинда «Дийдор» театр-студиясида Баҳодир Йўлдошев хотирасига бағишлаб ўтказилган тадбир чоғида ҳам намойиш этилди.

Актёрлар маҳоратига, ранг-баранг либослар, декорация ва мусикаларга тан бермай иложингиз йўқ. Спектакль воқеалари рўй берган даврда аёлларга кўчада паранжисомон ёпинчқисиз юришларига рухсат берилмаган. Қиз бола отаси истаган кишига турмушга чиққан, қуёв эса рафиқасини тўйдан кейингина кўрган. Ана шундай бир вазиятда бош қаҳрамон – тез орада уйланишга чоғланган бой савдогар бўлажак умр йўлдошини тўйдан олдин лоақал



бир марта бўлса ҳам кўришни хоҳлайди. Инчунин, дўстининг маслаҳатига қўлоқ тутиб, мато сотувчи (аршин молчи) сифатида шаҳарма-шаҳар кезади.

Шу зайл қизиқарли лавҳалар билан бошланган комедия ижобий яқун топади. Уни томоша қиларканман, менда ҳақли савол туғилди: бу аjoyиб кўнгличар спектакль томошаси нечун бепул? Умуман олганда, мазкур театр қай асосда фаолият юритмоқда? Булар ҳақида батафсил маълумотлар олиш ниятида театрда ишлаётган ходимлар ва актёр-актрисаларга юзландим.

– Бу даргоҳда 2009 йилдан бери фаолият юртакман, – дейди Руслан Ҳайдаров. – Устозим Баҳодир Йўлдошев менга ҳар тарафлама сабоқ берди, театр эса ҳаётий мактаб вазифасини ўтади. Мен шу ерда тажриба орттирдим, ўз касбимга чинакамимга ихлос қўйиб, сидқидилдан ишлаганини ўргандим. Энди спектакли томоша қилиш нега текинлиги тўғрисидаги саво-

лингиз жавобига келсак, бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан, устозимиз «Санъат пулга сотилиши эмас, қалбларга муҳрланиши керак!» дер эди. Иккинчидан, ижодий жамоамиз аъзолари асосан талабалардан иборат. Баҳодир ака шунинг назарда тутиб, «Улар ҳозирданоқ санъатни пуллашни эмас, аввало, бор иқтидорларини намоён қилиб, инсонлар дилини хушнуд этишни ва ўзлари ҳам завқланишни ўрганишсин», деб ўқитарди. Учунчидан, мухлисларимизнинг аксарияти талабалар ва ўқувчилардир. Улар еб-ичиш, ижара ҳақи ва кийим-кечакдан пул орттирмасликлари мумкин. Унда, марҳамат, театримизга келиб, саҳна асарларини бепул томоша қилсинлар, нималарнидир ўргансинлар. Кейинги сафар курсдошлари ёки синфдошлари билан бирга келсинлар. Бизнинг асл мақсадимиз эса, одамлар кўнглига йўл топиш, уларни турли кўринишдаги ёмонликлардан қайтаришдир. Айниқса, ёшларнинг ижтимоий тармоқларда берилаётган дуч келган нарсаларни кўришга одатланмасликка, инсоний фазилатларни унутмасликка ундашдир.

– Мен 2017 йилдан, аянам аниқроғи, 16 ёшимдан бери шу даргоҳдаман, – дейди Ўзбекистон санъат ва маданият институти талабаси, «Дийдор» театр-студияси актрисаси Севинч Далбоева. – Бу театр ҳақида илк бор эшитганимдаёқ, қизиқиб қолганман ва унга кела бошлаганман. Не бахти, устоз мени ҳам шогирдликка олди. Талабаларимнинг учинчи йили ишга кирдим. Тўғри, аввалбошда ота-онам бу қароримга қаттиқ қарши чиқибди. Гарчи санъатга яқин одамлар бўлишса-да, «Ўзбекчилик... Устига-устак, қиз боласан. Одамлар нима дейишадир?» қабилдаги гапларни айтиб, рухсат беришмади. Мен эса театрга яширинча қатнаб юравердим. 18 ёшга тўлган кезларим Баҳодир Йўлдошев «Аршин-мал-алан»даги Телли ролини ижро этишни менга топширди. Саҳнада биринчи ўйнаган ролим шу бўлди. Албатта, ота-онамни ҳам театрга таклиф қилдим. Улар спектаклни кўриб, қандайдир иқтидорга эга эканлигимга ишонч ҳосил қилишди шекилли, ўшандан буён ўзлари театрга юборадиган бўлишди. Мен эса ўзим ижро этган ҳар бир ролга хос яхши хислатларни ўзлаштиришга, ёмонларидан қочмишга ҳаракат қиламан. Таъбир жоиз бўлса, эндиликда санъат ва театр ҳаётим мазмунига айланган.

Дарвоқе, бугунги кунда «Дийдор» ёшлар экспериментал театр-студияси ҳам ҳамюртларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга, чунончи, ёшларнинг дунёқарашини юксалтиришга хизмат қиладиган маданият ва маънавият марказлари қаторидан мустаҳкам ўрин олган. Биз театр ижодий жамоасига келгуси ишларида ҳам омад ва ютуқлар тилаймиз.

Гулшаной АЛИЖОНОВА,
ЎЗЖОКУ талабаси



Мулоҳаза

Меҳр-оқибатли бўлиш яхши, аммо...

Салкам юз ёшни қоралаган Чамангул момонинг кутилмаганда тоби қочиб қолди. Олтимиш-етмиш ёшли олти нафар қизи унинг атрофида уввос тортиб, дийдиё қилишга киришди.

– Онажон, сиз ўлсангиз биз қандай яшаймиз? – деди кўзларидан шашқатор ёш оқизиб бири.

– Сиз бизнинг суянч тоғимизсиз. Ўлсангиз, бу ҳаёт бизга татимаиди, – деб нола қилди иккинчиси...

Қизларининг изиллаб йиғлашини кўриб, Чамангул момо чуқур ўйга толди: «Бироз шамоллаганим рост, лекин ўладиган аҳволда эмасман, шекилли. Буларнинг йиғлашига қараганда касалим оғирга ўхшайди. Нима бало, вақти-соатим етдимикан?!».

Момо шуларни ўйлагани сайин ҳолсизланиб, юраги сиқила бошлади, ҳаво етмаганидан бир дарди унганга айланаётгандек туюлди. Шунданми, бола-ларига уларнингга кетинглар, дея олмади. Тўғри қилди, мабодо, кўкқисдан ўлиб қолса, қизлари ёнида бўлгани яхши-да! Лекин...

Шу пайт ҳовлида бирга яшайдиган невараси, ўғлидан қолган ёдгори Раҳматилла кириб келди. Аммалари момоси кайфиятини тушириб, баттар ўсал қилаётганини кўрди-да, ҳаммасини олдиға солиб, ўйига жўнатиб юборди.

– Кап-катта хотинлар, нега ҳе йўқ, бе йўқ азани бошлаб юбордингизлар? – дея танбех берди уларни дарвоза олдида кузата туриб.

Олти қиз бўҳчасини қўлтиқлаб ўйига жўнаган, Раҳматилла момосини ташқи айвонга олиб чиқди. Онажон тоза ҳаводан симириб нафас олган, анча тетиклашди. Тез ёрдан шифокорлари келиб, унинг аҳволини текширишди. Саломатлиги жойида. Шундай бўлса ҳам ёшини инобатга олиб, касалхонага элтиш зарурлигини айтишди. Момо шифохонада уч кун ётиб даволангач, ўйига ўз оёғи билан юриб қайтиб келди. Шундан сўнг яна саккиз йил яшаб, 105 ёшида омонатини топширди.

Бу ҳикояни тинглаб, Раҳматилла сингари фарзандлару неваралар борлигига тасанно айтгингиз келади. Агар бу йигит ўша куни аммаларини ўйига жўнатиб юборганида улар йиғи-сиғи қилиб, Чамангул момо ажалидан



беш кун аввал ўлиб кетишига сабабчи бўлишлари эҳтимолдан холи эмасди.

Чиндан ҳам, хасталанган яқинларимиз ёки қариндошларимизни йўқлаш борасида ғаройиб оdatларимиз бор. Гоҳида беморнинг кўзига мўлтиллаб қарайвериб, маҳзун нигоҳларимиз билан дардини оғирлаштираётганимизни сезмай қоламиз. Тўғри, касалнинг ҳолидан хабар олиш динимизга хос ва халқимизнинг асрий анъаналаридан. Лекин кишининг кайфияти унинг соғайиб кетишини белгилловчи асосий омил эканини ҳам унутмаслик керак!

Бундан саккиз йил бурун амаким саратонга чалинди. Муолажалар кор қилмагач, касалхонадан уйига жавоб беришди. Оғир беморни соғаймасидан жўнатишнинг маъносини биламиз – бу ёғи Яратганнинг иродаси, дегани.

Хуллас, шундан сўнг йўқловчилар чунонам кўпайиб кетдики, баъзан амаким уларнинг юзига ҳам қарагиси келмай, кайфияти тушиб кетарди. Мен бунга бир неча бор гувоҳ бўлганман. Амаким аслида йўқловлардан эмас, юзига термулаётган раҳм тўла нигоҳлардан чарчаганди. Унинг яшашига умиди тобора сўниб бораётганини кўргач, интернетдан бу касаллиқни энгиш мумкинлиги ҳақидаги янги-янги маълумотлар ва ҳикояларни топиб, ўқиб бера бошладим. Шундан бўлса керак, сал кўринмай қолсам, йўқлатадиган одат чиқарди. Аммо узоқ яшамасди. Икки ойнинг нари-берисиди дунёни тарк этди.

Мен эса ўзимча хулоса чиқараман: беморни йўқловчиларнинг ҳар бири унга куч берадиган, яшашига қорлайдиган, ҳаётга ишончини оширадиган сўзларни айта олса, хасталиқни энгиш анча осонлашади. Қолаверса, бемор кишини йўқлашни азалий қадриятларимиз

қаторида ардоқлар эканмиз, у билан муносабатга киришиш тартиб-таомилларини ҳам обдон ўрганишимиз ва қатъий риоя қилишимиз зарур.

Яна бир гап. Бугунги кунда шифохоналар ичкараси-ю ташқарисидаги турнақатор навбатларни кўриб, Ўзбекистон аҳлининг ярми хасталангани, деб ўйлаб қоласан киши. Лекин аслида бу одамлар касал эмас, уларнинг ортидан келган яқинлари ва қариндошлари бўлиб чиқади.

– Тўнов кўни шифохоналардан бирининг муолажа хонаси олдида навбат кутаётганим, – дейди Зарнигор Жалилова. – Кўтиш ўриндиқларида саккиз киши ўтирибди. Улар мендан олдин навбатда туришганимкан, деб ўйладим. Бир маҳал жонлангириш бўлимидан носилкада бир бемор олиб чиқилиши биланоқ ҳалиги одамлар дув этиб ўринларидан туриб, атрофини ўраб олишди. Шифокорларнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, унинг ортидан эргашибди. Билишимча, барчаси беморнинг яқинлари экан. Холаси, аммаси, тоғаси, буваси деганларидек...

– Фарзандимни педиатр қабулга олиб бордим, – дейди Гузэл Турсунова. – Тўмонат одам навбат кутяпти. Синчиклаб разм солсам, ўтирганларнинг аксарияти беморларнинг яқинлари. Мендан кейин навбатда турган бир бола билан ота-онаси, бобоси ва укаси келганини кўрдим. Албатта, дилбандингиз хасталанса, уйда бемалол ўтира олмайсиз. Лекин бу ҳаракатларимиз бошқа касаллар аҳволига, ҳаракатланишига, руҳиятига салбий таъсир кўрсатишини, ноқулай, тиқилинч ва таранг муҳит юзга келишига сабабчи бўлишини ҳам унутмайлик. Менимча, даволаш муассасаларида кўтиш жойларини кенгайтириш, ўриндиқлар сонини кўпайтириш, кутувчилар учун алоҳида шароитлар яратиб бериш ушбу масалага ечим топишда жуда қўл келади.

Дарҳақиқат, биз бағрикенг, жигаргўшларига ниҳоятда меҳрибон ва ғамхўр халқмиз. Шу боис шифохонада ётиб даволанаётган қариндош-уруғларимиз ва дўст-биродарларимиз ҳол-аҳволдан хабар олиб туришни қанда қилмаймиз. Фақат масаланинг бошқа бир жиҳати бор, у ҳам бўлса, ўз яқинларимизга меҳр-оқибат кўрсатамиз деб бошқа беморларга ноқулайлик туғдирмаслигимиз керак!

Дилдора
ИБРОХИМОВА
«ISHONCH»



Ўзги соғломлаштириш

БЕТАКРОР ТААССУРОТЛАР

Самарақанд вилояти Ургут туманидаги сўлим табияти, кўплаб серосман манзарали дарахтлари, анвойи гуллари билан ўзгача тароватга эга «Келажак» оромгоҳида барча шарт-шароитлар яратилган. Бу масканда ҳар мавсумда Зарафшон, Учқудуқ, Зафаробод, Зармитан каби шаҳар ва кўрғонлардан келган 300 нафардан зиёд ўғил-қизлар дам олишмоқда.

Табият қўйнида ҳордиқ чиқариш, янги дўстлар билан мулоқотга киришиш, турли танловлар ҳамда спорт мусобақаларида иштирок этиш ёғи таътил кунларини ўтказётган болалар учун айни мuddао. Ана шу жиҳатлар таътилни дилларга муҳрлайди, болаларнинг иқтидорини юзга чикаради, уларда бетакрор таассуротлар уйғотади.

Оромгоҳнинг 2000 нусхадан зиёд турли бадий, адабий китобларга эга кутубхонаси болажонларнинг севимли масканига айланган. Кутубхоначи Муборак Рамазонава болалар билан тез тил топиша олади. Бу борада орттирган кўп йиллик тажрибаси фарзандлар қалбига китобга меҳр уйғотишда қўл келаетгани ҳам бор гап.


Сув ҳавзаси, спорт майдонлари, маданий дам олишга мўлжалланган саҳналар мавжуд. Болалик даврининг энг бахтли ва ҳажжонли дамлариани мана шундай жушқин лаҳзалар билан ўтказаетган болажонлар ўзларини худди эртақлар оламига тушиб қолгандек ҳис этмоқдалар.

Азамат ҒУЛОМОВ



Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси Наманган вилояти бирлашган қўмитаси раиси Қодир Мавлонова укаси
Исмом МАВЛОНОВ
вафот этгани муносабати билан ҳамдардик билдиради.

МУАССИС:



«Ishonch» va
«Ishonch-Doverie»
gazetalarini
tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV

(tahrir hay'ati raisi).

Ulug'bek JALMENOVI,

Anvar ABDUMUXTOROV,

Sayfulla AHMEDOV,

Akmal SAIDOV,

Ravshan BEDILOV,

Qutlmurot SOBIROV,

Suhrob RAFIQOV,

Shoqosim SHOILOMOV,

Hamidulla PIRIMQULOV,

Nodira G'OIYIBNAZAROVA,

Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning

birinchi o'rinbosari).

Mehridin SHUKUROV

(Mas'ul kotib – «Ishonch»).

Valentina MARSENYAK

(Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir

Husan ERMATOV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti –

(71) 256-64-69

Huquq va xalqaro hayot –

(71) 256-52-89

Milliy-ma'naviy

qadriyatlar va sport –

(71) 256-82-79

Xatlar va muxbirlar

bilan ishlash –

(71) 256-85-43

Marketing va obuna –

(71) 256-87-73

Hududlardagi

muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi –

(+998-99) 889-98-20

Andijon viloyati –

(+998-99) 889-90-23

Buxoro viloyati –

(+998-99) 889-90-31

Jizzax viloyati –

(+998-99) 889-90-34

Namangan viloyati –

(+998-99) 889-98-02

Navoiy viloyati –

(+998-99) 889-90-28

Samarqand viloyati –

(+998-99) 889-90-26

Sirdaryo viloyati –

(+998-99) 889-98-55

Surxondaryo viloyati –

(+998-99) 889-90-32

Toshkent viloyati –

(+998-99) 600-40-44

Farg'ona viloyati –

(+998-99) 889-90-24

Xorazm viloyati –

(+998-99) 889-98-01

Qashqadaryo viloyati –

(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan

ma'lumotlarda manba

sifatida gazeta nomi

ko'rsatilishi shart.

Mualliflar fikri tahririyat

nuqtai nazaridan

farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:

A. Abdurahmonov

Musahhihlar:

D. Xudoyberganova,

D. Ravshanova

Sahifalovchi:

H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 22:00

Topshirishi – 22:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri,

Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:

2021 0000 0004 3052 7001,

ATIB «Ipoteka bank»

Yashnabod filiali,

bank kodi: 00959,

STIR: 201133889,

OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba,

payshanba va shanba

kunlari chiqadi.

Gazeta «Ishonch»ning

kompyuter markazida

terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida,

A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma tabaq.

Buyurtma G-813

Nashr ko'rsatkichi: 133

1